

№01/23-сонли ШАРТНОМА
товарни ишлаб чиқариш, ўрнатиш, монтаж қилиш
ва ишга тушириш бўйича

Тошкент шаҳри

2022 йил «23» декабр

Бундан кейин «**Буюртмачи**» деб аталувчи, Низом асосида иш юритувчи Давлат активларини бошқариш агентлигининг Сурхандарё вилояти ҳудудий бошқармаси номидан бошлиқ С.М.Халиков ва бундан кейин «**Ижрочи**» деб аталувчи, Устав асосида иш юритувчи «**SUN-NIGHTSН**» Масъулияти Чекланган Жамияти (МЧЖ) номидан Бош директор Э.Т.Абдуллаев (бундан кейин биргаликда «**Томонлар**» деб аталади, ва мазкур шартномада кўрсатилган ҳар бир юридик шахс «**Томон**» деб аталади) ушбу Шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

I. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1.1. Ижрочи Буюртмачининг маъмурий биносига 30кВт қувватга эга тармоқ қуёш электр станциясини (бундан буён матнда «**Товар**» деб аталади) ишлаб чиқарган холда **Буюртмачи** ҳудудига ўрнатиш, монтаж қилиш ва ишга тушириш бўйича ишларни бажариш мажбуриятини олади. **Буюртмачининг** биносини қуйидаги манзилда жойлашган – Сурхандарё вилояти, Термиз шаҳри, М.Қошғарий кўчаси, 36а уйда.

Мазкур шартнома Давлат Активларини Бошқариш Агентлигининг Сурхандарё вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан **Товарни** харид қилиш бўйича 2022 йил 13 декабрдаги 204287-сонли энг яхши оферта лотини танлаш бўйича харид қилиш комиссиясининг баённомаси асосида тузилди.

1.2 Ижрочи ушбу Шартномани тузиш вақтида **Томонлар** томонидан келишилган ва имзоланган (Шартноманинг ажралмас қисми бўлган 1-илова) мувофиқ **Товарни** ишлаб чиқариш мажбуриятини олади. **Буюртмачи** томонидан Техник топшириқларга ҳар қандай ўзгартиришлар киритилган тақдирда, ушбу ўзгаришлар ушбу Шартномага ёзма қўшимча келишув асосида **Ижрочи** билан келишилганидан кейин якуний ўзгартирилган деб ҳисобланади.

II. ТОВАРНИНГ НАРХИ ВА ТЎЛОВ ТАРТИБИ

2.1. Мазкур Шартнома бўйича **Товарнинг** нархи қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) билан бирга 363 000 000 (уч юз олтмиш уч миллион) сўмни ташкил этади.

2.2. Ушбу Шартнома бўйича тўлов **Буюртмачи** томонидан **Ижрочи** ҳисоб рақамига пул маблағларини қуйидаги тартибда ўтказиш йўли билан амалга оширилади:

2.2.1. Томонлар томонидан ушбу Шартнома имзоланган кундан бошлаб 3 (уч) банк куни ичида **Товар** қийматининг 30 фоизи миқдорида олдиндан тўлов;

2.2.2. Товар қийматининг қолган 70 фоизи **Товар Буюртмачи** манзилига етказиб, ўрнатиб, ишга тушириб берилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда **Буюртмачи** томонидан қабул қилиб олинган кундан бошлаб 3 (уч) банк куни ичида амалга оширилади.

III. ТОВАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ, ЕТКАЗИБ БЕРИШ, ЎРНАТИШ, МОНТАЖ ҚИЛИШ
ВА ИШГА ТУШИРИШ ШАРТЛАРИ

3.1. Ушбу Шартнома бўйича **Ижрочи** томонидан **Буюртмачига Товарни** ўрнатиш, монтаж қилиш ва ишга тушириш шартларининг бажарилиши тўлов амалга оширилган пайтдан бошлаб 90 (тўксон) иш кун этиб белгиланади. Шунда **Ижрочи** томонидан ишлар бажарилганда, оби-ҳаво бўзилиши ҳолатлари мавжуд бўлса, яъни ёмғир ва қор ёғса, ва (ёки) мамакалдрок ва туман мавжуд бўлганида, ҳамда кучли шамол эсса, унда ишлар тўхтатилади. Иш жараёни тўхтатишга **Ижрочи** мажбурлиги сабаби, ишчилар баландликда очиқ об-ҳавода

тармоқ куёш фотоэлектр станцияларни ўрнатади ва ушбу станция электр ишлаб чиқаради, ва шунда оби-ҳаво бўзилиши ҳолатлари мавжуд бўлганда электр ток уларни соғлиғига катта зарар етказиши мумкин. Шу сабабдан ишларни меҳнат муҳофазаси бўйича ҳукуматимиз ва ваколатга эга бўлган Давлат органлари кўпгина норматив-меёрий ҳужжатлар қабул қилган, яъни Ўзбекистон Республикаси «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида» қонуни, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан 2008 йил 17 декабрдаги 75-сонли буйруғи билан тасдиқанган «Баландликда ишлаганда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари» ва бошқалар.

3.2. Ижрочи Товарни Буюртмачига муддатидан аввал етказиб бериш ҳуқуқига эга.

3.3. Ижрочи ушбу Шартнома бўйича ўз Шартнома мажбуриятларини **Буюртмачи** 10 (ўн) банк куни ичида **Ижрочининг** ҳисоб рақамига олдиндан тўлов қилинган кундан бошлаб бажаришга киришади.

IV. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Ушбу Шартнома бўйича Томонлар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

— ушбу тузилган Шартномани тузиш ва бекор қилиш муносабати билан зарур бўлган маълумотномалар ва бошқа ҳужжатларни сўраш ва олиш;

— ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш учун амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган воситалар ва усулларни қўллаш;

4.2. Ушбу Шартнома бўйича Томонлар қуйидагиларга мажбурдирлар:

— Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги талабларига риоя қилиш;

— тузилган ушбу Шартнома талабларига мувофиқ ўз зиммасига олган мажбуриятларини ўз вақтида ва тегишли тартибда бажариш.

4.3. Буюртмачи қуйидагиларга мажбур:

- ушбу Шартнома бўйича етказиб берилган **Товар** учун ўз вақтида дастлабки ва якуний тўловни амалга ошириш;

- **Товарни** ўрнатиш тугалланганлиги тўғрисида билдиришнома олгандан сўнг, икки кун ичида **Товарни** ўрнатиш бўйича иш ҳажмини кўриб чиқиш ва қабул қилиш ва нуқсонлар аниқланган тақдирда, бу ҳақда **Ижрочига** маълум қилиш.

4.4. Ижрочи қуйидагиларга мажбур:

- Ушбу шартномада белгиланган тартибда **Товарни** етказиб бериш;

- **Буюртмачи** вакили иштирокида ушбу Шартнома бўйича **Товарни** ишга туширишни амалга ошириш ва **Товарни** ўрнатиш бўйича ишларни бажаришда **Буюртмачининг** ёзма ва (ёки) оғзаки тавсияларига риоя қилиш;

- техник топшириқлардан четга чиқишларни **Буюртмачи** билан келишиш;

- ушбу Шартномада белгиланган муддатларда **Товарни Буюртмачига** топшириш;

- ушбу Шартномада кўрсатилган **Товарни** ўрнатиш бўйича техник топшириқ ва иш ҳажмини **Буюртмачининг** розилигисиз учинчи шахсларга бермаслик.

- **Топшириш-қабул қилиш далолатномаси асосида топширилган** 30кВт қувватдаги Қуёш фотоэлектрик қурилмаси 5 йил давомида бузилмасдан ишлашини “ижрочи” кафолатлайди, ушбу давр мобайнида қурилма бузилиб ишлаймай қолса “ижрочи” ўз маблағлари ҳисобидан 30 (ўттиз) иш кунида бепул янгисига алмаштириб, ишлатиб беришини таъминлайди.

V. ТОВАРНИ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

5.1. Ушбу Шартнома бўйича Товарни топшириш Буюртмачининг ваколатли вакили томонидан имзоланган **Товарни** икки томонлама топшириш-қабул қилиш далолатномаси имзолангандан сўнг якуний топширилган ҳисобланади.

5.2. Буюртмачи Товарни топшириш тўғрисидаги билдиришномани олган кундан бошлаб 10 (ўн) кун ичида:

- ёки **Товарни** қабул қилиши ва **Товарни** топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаши;

- ёки **Товарни** қабул қилишдан бош тортиши ва **Ижрочига** асослангилган рад жавобини юбориши керак.

5.3. Асосли раддия бўлган тақдирда, тузатишлар рўйхати ва аниқланган нуқсонларни бартараф этиш муддатлари кўрсатилган икки томонлама далолатнома тузилади.

VI. ДАЪВОЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ ВА КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ

6.1. Ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ холда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ёзма талабнома билдириш тартибига риоя қилинган холда хал этилади.

6.2. Билдирган талабномасига қонунда белгиланган бир ойлик муддат ичида жавоб олмаган ёки талаблари қаноатлангилмаган тақдирда, ҳуқуқи бузилган деб ҳисобловчи тараф низоли хал қилиш учун даъво аризаси билан жавобгар жойлашган ҳудуддаги иқтисодий судига даъво аризаси билан муружаат қилишга ҳақли.

VII. ШАРТНОМА БЎЙИЧА МАЖБУРИЯТЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

7.1. Мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун **Ижрочи** ва **Буюртмачи** Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгар бўладилар.

7.2. **Товарни** топшириш муддатлари ўз вақтида бажарилмаган тақдирда, **Ижрочи Буюртмачига** кечиктирилган ҳар бир кун учун **Товар** қийматининг 0,04% миқдорида, лекин **Товар** қийматининг 50% дан кўп бўлмаган миқдорда жарима тўлайди.

7.3. Ушбу Шартномада назарда тутилган муддатларда тўловни ўз вақтида тўламаганлик ва (ёки) кечиктирилганлик учун **Буюртмачи Ижрочига** кечиктирилган ҳар бир кун учун 0,04% миқдорида, лекин кечиктирилган тўловнинг 50% дан кўп бўлмаган миқдорда жарима тўлайди.

VIII. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

8.1. **Томонлар** Шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаганликлари учун, агар уларни бажаришнинг иложсизлиги Шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилишига бевосита таъсир қилувчи табиий офатлар ёки ҳарбий ҳаракатлар, шунингдек, давлат органлари томонидан ушбу Шартнома шартларини бажаришга тўсқинлик қилувчи қонун ҳужжатларини қабул қилиш ва (ёки) ўзгартириш каби форс-мажор ҳолатлари натижасида юз берган бўлса, жавобгар бўлмайдилар.

IX. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТЛАР

9.1. Мазкур шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар, уларнинг ходимлари ёки воситачилари ҳар қандай шахсга тўғридан-тўғри ёки билвосита пул ёки қимматбаҳо нарсаларни тўламайди, тўлашни таклиф қилмайди ёки тўлашга руҳсат бермайди. Ҳар қандай шахсларнинг қарорлари ўзгартиришлари учун ёки номақбул устунликка эришиш ёки бошқа номувофиқ мақсадларга эришишга йўл қўймайди.

9.2. Томонлар, уларнинг ходимлари ёки воситачилари ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда амалдаги қонунчиликда пора бериш(олиш), шунингдек амалдаги қонун ҳужжатларини ёки коррупцияга қарши халқаро актлар талабларини бузувчи бошқа ҳаракатларни амалга оширмайдилар.

9.3. Агар томонлардан бири ушбу банднинг ҳар қандай қоидаларининг бузилиши содир бўлган ёки содир бўлиши мумкин деб гумон қилса, тегишли томон бошқа томонни ёзма равишда хабардор қилиш мажбуриятини олади. Ёзма билдиришномада томон бошқа томон, унинг ходимлари ёки воситачилари томонидан ушбу банднинг ҳар қандай қоидалари

бузилиши содир бўлган ёки содир бўлиши мумкин бўлганлигини ишончли тасдиқловчи ёки ишонтириш учун асос бўладиган фактларга ҳавола қилиши ёки материалларни тақдим қилиши керак.

9.4. Агар Томонлардан бири ушбу банд қоидаларини бузса, бошқа Томон шартномани бир томонлама бекор қилиш туғрисида ёзма билдиришнома юбориш орқали шартномани суддан ташқари бир томонлама тартибда бекор қилишга ҳақли.

Х. ЯКУНИЙ ШАРТЛАР

10.1. Ушбу Шартнома ушбу Шартноманинг 3.1-бандига мувофиқ ва (ёки) Томонлар томонидан имзоланган кундан бошлаб кучга кирилади ва Томонлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунга қадар амал қилади.

10.2. Ушбу Шартномага киритилган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма равишда тузилган ва томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзоланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

10.3. Томонларнинг ҳеч бири бошқа Томон нинг ёзма розилигисиз Шартнома бўйича ўз ҳуқуқларини учинчи томонга ўтказишга ҳақли эмас.

10.4. Ушбу Шартнома икки нусхада тузилди. Иккала нусха ҳам бир хил ва бир хил юридик кучга эга. Томонларнинг ҳар бири ушбу Шартноманинг битта нусхасига эга.

10.5. Ушбу Шартномада назарда тутилмаган барча масалаларда томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига амал қиладилар.

10.6. Мазкур шартнома имзолангандан кундан то 2022 йил 31 декабрь кунига қадар амал қилади. Лекин мазкур шартноманинг 3.1. бандига кўрсатилган ҳолатлар мавжуд бўлганда ушбу шартнома муддати, қонунчиликда белгиланган тартибда, ўзайтирилиши мумкин.

ХІ. МАНЗИЛЛАР ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«БУЮРТМАЧИ»

Давлат Активларини Бошқариш
Агентлигининг Сурхандарё вилояти
худудий бошқармаси

Манзил: Сурхандарё вилояти, Термиз
шаҳри, М.Қашқариш кўчаси, 36а уй.

Тел: (76) 223-39-21, (93) 760-00-53

х / р: 401021860224017041140021001

СТИР: 200 475 851, Ўзбекистон

Республикаси Молия вазирлиги

Х / Р: 2340 2000 3001 0000 1010

СТИР: 201 122 919, ҲҚКМ МБ Тошкент

шаҳри, ММТ: 00014, ИФУТ: 97400



С.М.Халиков

«ИЖРОЧИ»

«SUN-NIGHTECH» МЧЖ

Манзил: Тошкент ш., Юнусобод
тумани, Боғишамол кўчаси 160 уй.


Юнусобод кичик саноат зонаси.

Тел: (94) 777-78-88

х / р: 2020 8000 2052 0055 3001

«ЎЗСАНОАТКУРИЛИШБАНК» АТБ БОШ
ОФИСИ, ММТ: 00440

СТИР 307 258 109, ИФУТ 27900



Бош директор

Э.Т.Абдуллаев





2022 йил 21 декабр кунги 01/21-сонли шартномага 1-илова

Шартнома нархини тасдиқлаш баённомаси

Бундан кейин «Буюртмачи» деб аталувчи, Низом асосида иш юритувчи Давлат Активларини Бошқариш Агентлигининг Сурхандарё вилояти ҳудудий бошқармаси номидан бошлиқ С.М.Халиков бир томон ва бундан кейин «Ижрочи» деб аталувчи, Устав асосида иш юритувчи «SUN-HIGHTECH» масъулияти чекланган жамияти (МЧЖ) номидан директор Э.Т.Абдуллаев бошқа томон, Шартноманинг умумий нархи ҚҚС ни ҳисобга олган ҳолда 363 000 000 (уч юз олтмиш уч миллион) сўмни ташкил этиши ва қуйидагиларни ўз ичига олиши тўғрисида келишиб олдилар:

Т/р	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи (сум)	Етказиб бериш нархи (сум)	ҚҚС		ҚҚС билан нархи (сум)
						Фо-из	Миқдор (сум)	
	1	2	3	4	5	6	7	8
1	30 кВт қувватдаги тармоқ қуёш электр станцияси. Таркиби: Қуёш панелининг умумий қуввати 30 000Вт, Инверторнинг умумий қуввати 30кВт, Қуёш панелларини ўрнатиш учун металлконструкция, кабель, шит ва бошқалар.	дона	1	315 652 173,91	315 652 173,91	15 %	47 347 826,09	363 000 000,00
	ЖАМИ							363 000 000,00

Шартнома нархига юқорида кўрсатилган усқунанинг нархи, етказиб бериш, шунингдек, усқунани ўрнатиш, монтаж қилиш ва ишга тушириш харажатлари киради.

«БУЮРТМАЧИ»

Давлат Активларини бошқариш
Агентлигининг Сурхандарё вилояти
ҳудудий бошқармаси



Бошлиқ

С.М.Халиков

«ИЖРОЧИ»

«SUN-HIGHTECH» МЧЖ



Бош директор

Э.Абдуллаев

Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 204287 на приобретение Фото электрическая панель

Способ проведения электронный

Дата 13.12.2022

Время рассмотрения 02.12.2022 16:00

Конкурсная комиссия Давлат активларини бошқариш агентлиги Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	RUZIYEV OTABEK ABDIMUMINOVICH	Бошқарма бошлигининг биринчи ўринбосари Комиссия раиси	Давлат активларини бошқариш агентлиги Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармаси
Секретарь комиссии	Юсупов Эшқул Маматович	Хўжалик ишлари мудири Комиссия котиби	Давлат активларини бошқариш агентлиги Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармаси
Член комиссии	AVAZOV ALISHER SAITMURATOVICH	Кадрлар ва махсус ишлар бўйича бош назоратчи	Давлат активларини бошқариш агентлиги Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармаси
Член комиссии	KURBANOV ANVAR ABDURAHIMOVICH	Бош юрист маслаҳатчи	Давлат активларини бошқариш агентлиги Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармаси
Член комиссии	PO'LATOV MAXMARAJAB ABDURAXMONOVICH	Бош мутахассис	Давлат активларини бошқариш агентлиги Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармаси
Член комиссии	YULDASHEV XUSNIDDIN ABDULLAYEVICH	Бўлим бошлиғи	Давлат активларини бошқариш агентлиги Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармаси

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 13.12.2022 года № лота 204287.

Метод оценки предложений – Бальный метод

Мин. балл: 60

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Фото электрическая панель
Подробное описание	Фото электрическая панель
Количество товара	1.00
Единица измерения	компл.
Цена товара (услуги) за единицу	375 000 000.00
Стартовая сумма	375 000 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Солиқлар ва бошқа мажбурий туловларни тулаш буйича қарздорлик йуқлиги:

Тип: Бинарное значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО SUN-HIGHTECH	20	1	20	Экспертная		
ООО "MIR SOLAR"	20	1	20	Экспертная		

Критерий №2 Танлов иштирокчиси томонидан махсулотларга кафолат бериш ва унинг муддати.

Тип: Бинарное значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО SUN-HIGHTECH	20	1	20	Экспертная		
ООО "MIR SOLAR"	20	1	17	Экспертная		

Критерий №3 Танлов иштирокчисининг моддий таъминланганлиги (Танловнинг бошлангич суммасининг камида 30% маблагига эга булиши) ва йиллик маблаг айланмасы.

Тип: Бинарное значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО SUN-HIGHTECH	20	1	20	Экспертная		
ООО "MIR SOLAR"	20	1	20	Экспертная		

Критерий №4 Шартнома тузиш буйича конуний хукукга эга булиш шарт

Тип: Бинарное значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО SUN-HIGHTECH	20	1	20	Экспертная		
ООО "MIR SOLAR"	20	1	20	Экспертная		

Критерий №5 товарлар шартномада келтирилган вақтдан кечиктирмаган сифатли холатда буюртмачига етказиб берилиши шарт.

Тип: Бинарное значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО SUN-HIGHTECH	20	1	20	Экспертная		
ООО "MIR SOLAR"	20	1	18	Экспертная		

Критерий №6 Танлов иштирокчисининг омборида махсулот мавжудлиги.

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО SUN-HIGHTECH	20	Малумот	20	Экспертная		
ООО "MIR SOLAR"	20	20	20	Экспертная		

Критерий №7 Уларга нисбатан банкротлик таомили буйича маълумотлар

Тип: Бинарное значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО SUN-HIGHTECH	20	1	18	Экспертная		
ООО "MIR SOLAR"	20	1	20	Экспертная		

Критерий №8 Нохалол ижрочиларнинг ягона реестрида улар хакида кайднинг мавжуд эмаслиги.

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО SUN-HIGHTECH	20	Малумот	20	Экспертная		
ООО "MIR SOLAR"	20	20	18	Экспертная		

Критерий №9 Техник вазифада келтирилган талабларга тулик жавоб бериши шарт.

Тип: Бинарное значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО SUN-HIGHTECH	20	1	20	Экспертная		
ООО "MIR SOLAR"	20	1	18	Экспертная		

Критерий №10 Танлов иштирокчилари юридик шахс сифатида давлат реестридан руйхатдан утган булиши шарт.

Тип: Бинарное значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО SUN-HIGHTECH	20	1	20	Экспертная		
ООО "MIR SOLAR"	20	1	20	Экспертная		

Критерий №11 Иштирокчилар ишларни, товарларни бажариш (хизмат курсатиш) учун зарур мутахассислар ва ресурсларга, касбий ва техник малакага, шу каби объектлар хужжатларнинг дастурий таъминотини ишлаб чиқиш буйича тажриба ва куникмага, шартномани тузиш пайтида фукаролик-хукукий тусдаги ваколатга эга булиши керак.

Тип: Бинарное значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО SUN-HIGHTECH	20	1	20	Экспертная		
ООО "MIR SOLAR"	20	1	18	Экспертная		

Критерий №12 Махсулотга расмий ишлаб чиқарувчининг сертификата мавжудлиги.

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО SUN-HIGHTECH	20	Малумот	20	Экспертная		
ООО "MIR SOLAR"	20	20	18	Экспертная		

Критерий №13 Махсулотнинг техник параметрлари ва ишлаб чиқарувчиси курсатилиши керак.

Тип: Бинарное значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО SUN-HIGHTECH	20	1	20	Экспертная		
ООО "MIR SOLAR"	20	1	20	Экспертная		

Финансовое значение

Наименование товара: Фото электрическая панель

Ценовые предложения			Порядок оценки ценовых предложений		
Наименование участника	Стартовая сумма (UZS)	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Коэффициент, используемый для расчета предложений	Итоговое значение (

				нерезидентов	UZS)
ООО "MIR SOLAR"	375 000 000.00	372 000 000.00 UZS	372 000 000.00	00.00	372 000 000.00
ООО SUN-HIGHTECH	375 000 000.00	363 000 000.00 UZS	363 000 000.00	00.00	363 000 000.00

Оценка участников финансовой части составила:

Стартовая сумма составляет 375 000 000.00 UZS

Наименование участника	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Коэффициент, используемый для расчета предложений нерезидентов	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
ООО "MIR SOLAR"	372 000 000.00 UZS	372 000 000.00	00.00	00.00	372 000 000.00	13.12.2022 10:58:36	29.27419
ООО SUN-HIGHTECH	363 000 000.00 UZS	363 000 000.00	00.00	00.00	363 000 000.00	13.12.2022 10:47:28	30

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ООО "MIR SOLAR"	66.5	29.27419	95.77419
ООО SUN-HIGHTECH	69.4617	30	99.4617

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 204287 от 13.12.2022 года на приобретение Фото электрическая панель определила победителем:

ООО SUN-HIGHTECH
307258109

и резервный исполнитель: ООО "MIR SOLAR" (203301930)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	RUZIYEV OTABEK ABDIMUMINOVICH	Согласен	
Член комиссии	AVAZOV ALISHER SAITMURATOVICH	Согласен	
Член комиссии	KURBANOV ANVAR ABDURAHIMOVICH	Согласен	
Член комиссии	PO`LATOV MAXMARAJAB ABDURAXMONOVICH	Согласен	
Член комиссии	YULDASHEV XUSNIDDIN ABDULLAYEVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП